

ДОРИВОР ГУЛҲАЙРИ ЎСИМЛИГИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

М. Хожиева, М.Т. Юлчиева, Ў.А. Аҳмедов, А. Эргашев

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: доривор гулхайри ўсимлигининг суғориладиган ерларда ўстириш технологиясини ўрганиш.

Усуллар: доривор гулхайри ўсимлигини суғориладиган типик бўз тупроқларда экиб ўстирилди. Уруғларни экиш, фенологик кузатишлар, тупроқ ва ўсимлик наъмуналари олиб анализ қилиш Пахтачилик илмий текшириш (1976 й), Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институтларининг услубий (1983 й) қўлланмалари асосида амалга оширилди.

Натижалар: Уруғларни 1—2 см чуқурликда тупроққа қадалади ва гектарига 10—12 кг уруғ сарфланади. Униб чиққан майсаларда 3—5 та чин барг ҳосил бўлгач эгатлар олиниб кетма-кет суғориб турилади. Мўътадил шароитда доривор гулхайри уруғлари 8—10 кунда униб чиқади. Майсалар тўлиқ униб чиққандан кейин, яъни биринчи суғоришдан 7—10 кун ўтгач ягана ўтказилади ва 1 метр ерда 8—10 та соғлом ўсимлик қолдирилади. Ўсимликларни бу даражада сийраклаштириш натижасида уларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Иккинчи ва кейинги йилларда эса ўсимликнинг бўйи 200—230 см дан ошади. Доривор гулхайри экилган майдонлар биринчи йили 5—6 марта ўтоқ қилинади ва оралари юмшатилади. Заруратга кўра ўсимликлар орасидаги бегона ўтлар қўл кучи билан тозаланади. Гулхайри экилган майдон биринчи йили 8—10 марта суғорилади.

1 гектар ерга биринчи йили 80—90 кг азот, 60—70 кг фосфор ва 30—40 кг калий ўғити билан озиқлантириш тавсия этилади.

Гулхайрининг поялари қирқилмай далада қишда қолдирилади. У қорни тутиб қолишда ёрдам беради. Айниқса эрозияга учрайдиган ерларга экилган доривор гулхайри тупроқни ювилишдан сақлайди.

Эрта баҳорда қуриган поялар даладан йиғиб олингач, ўсимлик оралари культиваторда айнаи вақтда ҳар гектар ерга 50—60 кг дан азотли ва фосфорли ўғитлар билан (апрель ойининг охирларида) озиқлантирилади. Иккинчи марта шоналаш фазасида гулхайрининг шох-шаббалари туташиб кетгунига қадар (июнь охири) 40 кг дан азот ва 30 кг дан калий ўғити билан озиқлантирилади. Минерал ўғитларни суғоришдан олдин амалга оширишни тавсия қилинади.

Хулоса: Доривор гулхайрини яхши ўсиши ва ривожланиши учун ўсув давомида азот, фосфор ва калий ўғити билан озиқлантириш ва

ҳаво ҳароратини ҳисобга олган ҳолда 8-10 марта суғориш мақсадга мувофиқ бўлади.